

11-11-2019

INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY

Bahodirjon Sodikjonovich Ganiyev

Fergana state University head of the Department of Civil society, doctor of philosophy (PhD)

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ganiyev, Bahodirjon Sodikjonovich (2019) "INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН (ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН) ФАОЛЛИГИ

Ганиев Баҳодиржон Содикжонович
Фарғона давлат университети Фуқаролик жамияти
кафедраси мудири, фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда амалга ошириляётган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида жамиятда хотин-қизларнинг инновацион, ижтимоий тараққийётдаги фаоллигини оширишнинг назарий, амалий аҳамияти тадқиқ қилинган. Ушбу жараёнда малакали кадрларнинг маънавий, ахлоқий, тадбиркорлик ва сиёсий маданиятини юксалтиришдаги аҳамияти таъкидланган. Муаллиф Ҳаракатлар стратегиясини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган муҳим беш ташаббусни мустақил ўрганишнинг хотин-қизлар тафаккурида мамлакатимизда амалга ошириляётган ислоҳатларнинг туб мазмунини, мақсадларини ва амалга ошириш механизмларини англашда, гендер сиёсатининг ўрни, уларнинг ислоҳатлардаги фаоллигини оширишга эътибор қаратган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, мутахассислар, ҳаракатлар стратегияси, беш ташаббус, янги босқич, фуқаролик жамияти, тадбиркорлик.

ИННОВАЦИОННАЯ (НАПРАВЛЕННАЯ НА ПРЕДПРИИМЧИВОСТЬ) АКТИВНОСТЬ ЖЕНЩИН НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ НАШЕГО ОБЩЕСТВА

Ганиев Баҳодыржан Содыкжанович
Ферганский государственный университет заведующий кафедрой Гражданского
общества, доктор философии (PhD)

Аннотация: В статье исследованы теоретические и практические значения увеличения инновационной активности женщин в условиях социального развития, а также воплощения в жизнь стратегии. В данном процессе также отмечается значение возвышения духовной, этической, предпринимательской и политической культуры у высококвалифицированных специалистов. Автор проанализировал состояние данного вопроса с учетом претворения в жизнь и осознания со стороны женщин основанных положений стратегий Действий и пяти важных инициатив Президента Республики Узбекистан, о роли гендерной политики, повышение их активности в проводимых реформах.

Ключевые слова: женщины, кадры, стратегия действий, пять инициатив, новый этап, гражданское общество, предпринимательство.

INNOVATIVE (ENTREPRENEURIAL) ACTIVITY OF WOMEN AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF OUR SOCIETY

Ganiyev Bahodirjon Sodikjonovich

Fergana state University head of the Department of Civil society, doctor of philosophy (PhD)

Abstract: *the article investigates the theoretical and practical implications of increasing innovative activity of women in terms of social development, as well as the implementation of the strategy. This process also highlights the importance of raising the spiritual, ethical, entrepreneurial and political culture of highly qualified specialists. The author analyzed the state of this issue taking into account the implementation and awareness on the part of women of the basic provisions of the action strategies and five important initiatives of the President of the Republic of Uzbekistan, the role of gender policy, increasing their activity in the ongoing reforms.*

Keywords: *women, personnel, action strategy, five initiatives, new stage, civil society, entrepreneurship.*

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохатлардаги, демократик жараёнларни чуқурлаштиришдаги, фуқоралик жамияти институтлари фаолиятини юксалтиришдаги ўрнига муҳим аҳамият берилди. Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий тизимида умимий сони ошиб бораяпти ва ҳозирги даврда улар мамлакат аҳолисининг 51% дан ошиғини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги алоҳида қайд этилган. Бундай ҳуқуқий эътироф хотин-қизларнинг маънавий маърифий ишлардаги ва тадбиркорлик соҳасидаги, умуман ижтимоий тараққиётдаги фаолиятини юксалтириш учун асос ҳисобланади. Демократик туб ислохатлар даврида хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз раҳбари томонидан: “хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш лозим” лиги алоҳида такидланган [2.1].

Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари вазифаси жорий қилинди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан Сенатда янги-Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузилди [3.1]. Сенат раиси лавозимига Танзила Нарбоева сайланди. Ўзбекистон тарихида илк мартаба Сенат Раиси лавозимига аёл киши муносиб кўрилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи марта аёл номзоди юқори давлат лавозимига кўтарилди ва давлат бошқарувида аёллар ўрни янада мустаҳкамланди. [5.1.] Вилоят ва туманларда хотин-қизлар бўйича ҳоким ўринбосарлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, маданий ва иқтисодий жараёнлардаги ўрни масаласини илмий, амалий асосда ўрганиш мақсадида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилган. Сайлов қонунчилигимизда парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича 30% квота

белгиланганлигига қарамай, бугунги кунда депутатликка сайланган аёллар сони бу кўрсаткичдан анча паст. Шу боис жорий йилда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда сиёсий етук ва ташаббускор аёлларни сайлаш масаласи ҳам эътиборда бўлади [6.1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди [7.1]. Хотин-қизларнинг ёшлар ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Хотин-қизлар оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда иштироки билан муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишларни бажараяпти. Мамлакатимизда, глобаллашув, ахборот хуружлари кучайиб бораётган даврда ижтимоий ҳаётда намоён бўлаётган, миллий менталитетимизга зид бўлган салбий ҳолатларни олдини олишдаги ва “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдаги фаолияти, ёшлар орасидаги тарбия ишларининг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш жараёнида ва уни тобора юксалтиришда асосий роль ўйнамоқда.

Шу билан биргаликда хотин-қизлар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида, мамлакатимизда ҳукмрон бўлган тинчлик ва осойишталикка, унинг барқарор тараққиётига, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида таъкидланган муҳим вазифани амалиётдаги ижроси, яъни аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлашда ҳам хотин қизлар муҳим вазифани бажаради. Демократик ислоҳатлар чуқурлашаётган шароитда, ёшлар орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда хотин-қизлар етакчилик қилмоқдалар.

Фуқоралик жамияти риожланиши шароитида аёллар бола тарбиясида миллий тарбия методлари ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали, илмий асосда фойдаланишда муҳим роль ўйнайди. Шу билан биргаликда фуқоралик жамияти институтлари орқали ёшлар орасида маънавий тарбияни шакллантиришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали, ижодий ҳамкорликни кучайтириш механизмларини такомиллаштиришда ҳам аёлларнинг билими, тажрибасига таяниш кутилган натижани беради. Ҳозирги даврда хотин-қизлар болалар боғчалари, мактаблар, академик лицей ва касб ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасаларидаги асосий вазифаларни бажаради ва ходимлар орасида кўпчилликни ташкил қилади. Янги ривожданиш босқичида мамлакатда олиб

борилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда хотин-қизларнинг фаоллиги кузатилмоқда. Фуқоралик жамияти ривожланиши шароитида хотин-қизларни ижтимоий ҳимолашга, шахсий қобилиятини оила, жамият ва касб фаолиятида тўлиқ рўёбга чиқаришида кўмаклашишга эътибор берилмоқда. Бунинг самарасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида аёллар улуши 45,7 % ташкил этмоқда. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида уларнинг улуши 76,6 %, таълим соҳасида 75,6 % ташкил этади, яъни 10 нафар ходимнинг 7 нафари хотин-қизлар ҳисобланади [8.1.].

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари ривожига эътибор қаратилди. Ҳозирги даврда мамлакатимиздаги 9 774 та мактабгача таълим муассасасида 1 миллион нафардан зиёд болаларга 81 мингдан ортиқ педагог-ходим таълим ва тарбия бериб келмоқда. Педагог-ходимларнинг аксарияти ёки қарийб 70 % ўрта махсус маълумотга эга бўлгани учун вазирлик томонидан болалар боғчаларини босқичма-босқич олий маълумотли кадрлар билан таъминлаб бориш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, вазирлик таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ушбу мақсадларга бакалавр босқичининг кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида жами 6400 тадан зиёд квоталар ажратилди [9.2.]. Соҳадаги ислохотлар натижасида нодавлат мактабгача таълим муассасалари сони кўпайди ва ҳозирги кунда 3942 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улар фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида бундай фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги тегишли қарори билан чекланмаган муддатга бериладиган бўлди [9.2.].

Жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитини илмий асослаш ва манзилли соғломлаштириш методикасига доир лойиҳаларни ишлаб чиқишга кенг эътибор қаратилмоқда. Шу мунособат билан туманлар ва маҳаллардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини хонадонма-хонадон юриб аниқлаш, тизимли мониторинг ва таҳлил қилишда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари шакллантирилди.

Хотин-қизларнинг педагогик, илмий, ташкилотчилик, тарбия ишини уюштириш маҳорати, тадбиркорлик кўникмасидан ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион методларни яратиш, илмий-амалий дастурларни амалиётга жорий этиш механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш маънавий маърифий ишлаарнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Фуқоралик жамияти ривожланишида, ушбу жараёндаги муҳим вазифа, инсон омилини таъминлашда оила институти муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам оила институти мустаҳкамлигини таъминлаш зарурияти мавжуддир. Оиладаги муҳит болалар тарбиясидаги асосий омил ҳисобланиб, келажакда уларнинг муносиб шахс сифатида шаклланишида, мамлакатда олиб борилаётган яратувчилик, ишбилармонлик фаолиятининг фаол иштирокчисига айланишини таъминлайди.

Шунингдек оиладаги самимий, ўзаро ҳурмат, ота-онанинг болалар келажаги учун қайғуриши уларнинг чинаккам ватанпарвар сифатида шаклланишига ёрдам беради. Оиладаги болаларга бўлган меҳр-муҳаббат, уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришга, ота оналарнинг бевосита ижтимоий ёрдами, уларда мавжуд бўлган ижодий қобилиятларнинг ёшлик даврида аниқлашга ёрдам беради. Жумладан, китобхонлик, спорт, мусиқа, рассомчилик ва бошқа ижод турлари бўйича болаларнинг интилишларини оилада қўллаб-қуватланиши тарбия жараёнида, болаларнинг ахлоқий, маънавий камолотида кутилган натижаларни бериши Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим беш ташаббусида алоҳида таъкидланади [10.1.]. Хотин-қизлар орасида спортни янада оммадаштириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари томонидан “Таълим муассасалари ҳафталиги”, “Хотин-қизлар ҳафталиги”, “Маҳалла ҳафталиги”, “Нуронийлар ҳафталиги”, “Ёшлар ҳафталиги” каби шиорлар остида спорт мусобақалари ташкил этилган [11.2.]. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳлар, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларининг олдини олиш ҳам муҳим ишлардан саналади [6.1.]. Амалга оширилган тадбирларга қарамасдан оилаларда нотинчлик, ҳатто ота-оналарнинг ажралиш ҳолатлари ҳам мавжуддир. Таъкидлаш лозимки, оилавий ажримларнинг асосий сабабини эр ва хотиннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги ташкил этмоқда. Оилавий ажримларга қуйидагилар сабаб бўлмоқда: 43,3 % - эр-хотиннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги; 24,5 % - моддий етишмовчилик; 12,6 % - характерларнинг мос келмаслиги; 10,3 % - бир-бирига бефарқлик; 5,5 % - жавоб беришга қийналаман; 3,8 % - гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик. Айнан ёш оилаларнинг бузилишига эса 41 % ҳолатларда характерларнинг тўғри келмаслиги, 13 % ҳолатда бефарзандлик, 15 % моддий қийинчиликлар, 34 % учинчи шахс аралашуви, 25 % зарарли одатлар сабаб бўлган [12.2.]. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида қайд қилинганки, “фуқаролардан келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ва уларда кўтарилган масалалар бўйича бюрократик тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий чора-тадбирлар кўриш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, муаммоли масалаларни пайсалга солмасдан, имкон қадар тезқўриб чиқиш ва ҳал этишга” эришиш зарур [3.2.]. Таъкидлаш лозимки 2018 йилда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган “ишонч телефонлари” орқали мажбурий меҳнатга жалб этиш масалалари бўйича 2 минг 135 та мурожаат келиб тушган, одам савдоси жиноятига учраганларнинг 71 % аёллар, ҳар учинчисини болалар ташкил этади [13.1.].

Мамлакатдаги оиладаги фаровон ҳаёт маънавий-ахлоқий қадриятлар ва болаларни тарбиялаш, оиладаги қулай психологик муҳит, хотин қизларнинг таълим олиши, моддий таъминланганлик, саломатлик ҳолати муҳим кўрсаткичлар қаторига киради. Шунинг учун, 2019 йилнинг якунига қадар 17 та илмий-амалий тадқиқот ўтказиш кўзда тутилган. Хусусан, халқаро тажрибани ўрганиш асосида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда оилаларни ночор аҳволдан олиб чиқиш бўйича “АКТ орқали

оилаларни мустақамлаш” янги инновацион дастури ишлаб чиқилган. Таъкидлаш лозимки, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва Қорақалпоғистонда Тошкент Ахборот технологиялари университетининг филиаллари базасида 150 нафар эркак ва аёллар ўқитилди. Ўқув курслари натижасига кўра, эгалланган кўникмалар тингловчиларни ишга жойлашишда ёрдам берди. Республика бўйича 74 та туман, шаҳарларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни мақсад қилувчи “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаблари” фаолияти йўлга қўйилган [11.1].

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринини муносиб эгаллашида аввало уларнинг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият эга. “Бу борада жорий йилда қўрилган амалий чораларга қарамасдан, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар борлиги ачинарлидир” [2.2.]. Айниқса уларни тадбиркорликга жалб этиш, ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайдиган бандликни таъминлаш, ички ва ташқи бозорга мамлакатимиз бренди билан тоарлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам, фуқоралик жамияти ривожланиши даврида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож 24,7 минг нафар аёл, жумладан, таълим муассасаларини битирган қизлар, кичик ёшдаги болали аёллар, ёлғиз оналар ҳамда 14 ёшгача ва ногирон фарзандлари бор аёллар махсус захираланган иш ўринларига ишга жойлаштирилган [8.1.].

Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш мақсадида маданият, санъат ва спортга, ахборот технологияларидан фойдаланишга, китоб ўқишга қизиқишни оширишга қаратилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ҳудудларда ташкил этилаётган тикув-трикотаж корхоналари ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантирилган 24 421 нафар ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизнинг 9 864 нафари ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларининг ўқув базасида тикув-трикотаж йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида касб-ҳунарга ўқитилган [8.1.]. Таҳлиллар кўрсатадики, мазкур йўналишда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат муносабатларида гендер тенглик белгиланган бўлишига қарамасдан, меҳнат бозорида хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллаши учун ишга солинмаган имкониятлар бор. Хусусан, транспорт, қурилиш, саноат соҳаларда аёллар иштироки жуда камчиликни ташкил қилади. 2019 йилда ўтказилган ўрганишлар давомида ишга қабул қилишда гендер нуқтаи назардан 274 та қонунбузиларлик ҳолати аниқланган, улар асосан олий ва ўрта махсус таълим соҳаси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларга тўғри келмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш йўналишида иш ҳақи тўлаш бўйича аёлларнинг камситилишига оид қонунбузиларлик ҳолатлари аниқланган. Хотин-қизлар мажбурий меҳнатнинг турли шаклларида жалб этилганлиги аниқланган бўлиб, бундай ҳолатлар олий ва ўрта махсус таълим соҳасида, халқ таълимида, соғлиқни сақлаш тизимида, қишлоқ хўжалигида соҳаларида қайд этилган [8.2.].

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, янги ривожланиш босқичида мамлакатимизда аёлларнинг иновацион ижтимоий тараққиёт жараёнидаги иштирокини таъминлашга муҳим вазифа сифатида қаралди. Хотин-қизлар демократик ислоҳатларнинг чуқурлашувини таъминлайдиган асосий ижтимоий куч сифатида, фуқоралик жамияти ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятини янада кенгайтириш учун мунтазам тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда қуйдаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- **биринчидан:** демократик ислоҳатларнинг янада чуқурлашуви, унинг жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олиши жараёни, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ушбу жараёнга алоқадор давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ишини янги иновацион ижтимоий тараққиёт талаблари асосида шакллантириш заруриятини вужудга келтирди.

- **иккинчидан:** аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш жараёни бевосита уларнинг фуқоралик жамияти институтлари ишида, провард натижада Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган демократик сайловлардаги иштирокига боғлиқдир. Бунинг учун барча имкониятларни, аёлларнинг билими, салоҳияти, ташкилотчилигини эътиборга олиш зарур;

- **учинчидан:** фуқоралик жамияти ривожланиши таълим ва тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ёшлар интеллектуал, ахлоқий маданиятини юксалтиришга доимий эътибор бериш вазифасини илгари сурмоқда. Шу муносабат билан аёлларнинг илмий, педагогик фаолиятини, айниқса ўсмирлар, талабалар билан ишлаш жараёнида уларнинг интеллектуал имкониятларидан самарали фойдаланишни янги ривожланиш босқичи талабларига мос равишда ташкил этиш лозим;

- **тўртинчидан:** таълим тарбия соҳасидаги реформацион жараён аёлларга касбий малакасини оширишни жаҳон стандартларига мос равишда ташкил этишни тақоза қилади. Шунинг учун болалар, ёшлар тарбиясига алоқадор бўлган аёлларнинг малакасини ривожланган малакатлар етакчи таълим муасасаларида ўтказиш, малака ошириш учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий омиллардан тўлиқ фойдаланиш механизмини янада такомиллаштириш лозим.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi - Toshkent: O'zbekiston, 2018
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // Xalq so'zi. 28.12.2018.
3. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha xarakteristik strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni // Xalq so'zi | 8.02.2017
4. O'zbekiston Senatiga ilk marta ayol kishi rahbarlik qiladi. U kim va qanday vakolatlarga ega? kun.uz // O'zbekiston 21.06.2019 45441
5. A.SHin Davlat boshqaruvida хотин-қизларнинг о'рни янада mustahkamlandi // Xalq so'zi | 25.06.2019

6. S.Artikova Bo'lajak saylovlarda siyosiy etuk va tashabbuskor ayollarni saylash juda muhim // Xalq so'zi | 25.06.2019
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori // kun.uz .O'zbekiston
8. Gender tenglik masalasi - Senat faoliyatining muhim yo'nalishi Qo'mita va komissiyalar majlislari 26.07.2019 | 349 |
9. Maktabgacha ta'lim vazirligining hisoboti eshitildi Parlament eshituvlari | 26.07.2019 | 225
10. Saida Mirziyoeva Prezidentning beshta tashabbusi haqida gapirdi // kun.uz .O'zbekiston | 15.04.2019
11. Jismoniy tarbiya va sport vazirligining faoliyati tanqidiy ko'rib chiqildi. Parlament eshituvlari // Xalq so'zi | 30.07.2019 | 126
12. O'zbekistondagi oilaviy ajrimlarga nima sabab bo'layotgani ma'lum qilindi. // kun.uz /Jamiyat | 16.05.2019
13. T.Norboeva Bizda bolalar mehnati bartaraf etildi, lekin majburiy mehnat batamom yo'q bo'lmayapti // kun.uz | 30.07.2019

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем.brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

05.00.00 **ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

07.00.00 **ТАРИХ ФАНЛАРИ**
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т..... 89

09.00.00 **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**
ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

- 15 Ma'kurani tahlil etishning o'ziga xosligi
Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Маматов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг инновацион
(тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини
Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

10.00.00 **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371





